

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

—
JOURNAL
2022

№3

Бош муҳаррир:

Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярмагов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомиллов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИ ФАНИ ТАРОҚҚИЁТИДА
АКАДЕМИК М.Е.МАССОННИНГ ЎРНИ

*Ж.Ж.Юлдашев Жиззах вилоят
ХТХҚТМОҲМ катта ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақола таниқли археолог М.Е.Массоннинг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти, унинг археологик тадқиқотлари натижалари, Ўзбекистон археологияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси мавзусига бағишланган.

Калит сўзлар: археология, экспедиция, арк, фриз, Афросиёб, Ерқўрғон, Айритом, Ахсикат, Қоратепа, Тункат

Аннотация: В этой статье рассматриваются жизнь и научная деятельность известного археолога Массона, также результаты его археологических исследований и его значительный вклад в развитие археологии Узбекистана.

Ключевые слова: Археология, экспедиция, арк, фриз, Афрасиаб, Еркурган, Айритом, Ахсикент, Коратепа, Тункат.

Annotation: This article deals with the life and scientific activities of the famous archaeologist Masson, and the result of his archaeological research and his significant contribution to the development of archeology in Uzbekistan.

Key words: Archeology, expedition, ark, friz, Afrasiyab, Yerkurgan, Ayritom, Axsikent, Karatepa, Tunkat, Annatation.

Массон Михаил Евгеньевич Ўзбекистон тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. У Ўрта Осиё тарихи, археологияси, меъморчилиги, нумизматикасини ўрганиб, жуда катта кашфиётлар қилди ва бир қанча йирик шаҳарларда жумладан, Туркистон, Самарқанд, Шаҳрисабзда катта археологик экспедицияларга бошчилиқ қилди ҳамда ноёб топилмалар орқали Ўрта Осиё моддий ва маънавий маданиятини бойитди. Ўрта Осиёда археология фанининг асосчиларидан бири бўлган М.Е.Массон Ўрта Осиё тарихининг турли даврларига оид катта илмий изланишлар қилди. Биз бу мақолада мавзуимиз даврий чегараланиши асосида М.Е.Массоннинг таржимаи ҳолига ва 1940-1970 йилларда олиб борган баъзи тадқиқотларига тўхталиб ўтамиз.

Массон Михаил Евгеньевич 1897 йил 21 ноябрда Петербургда туғилган, 1986 йил 2 ноябрда Тошкентда вафот этди. Археолог, тарихчи, шарқшунос 1936 йилда Археология доктори, 1945 йилда профессор, 1940-1968 йилларда Ўрта Осиё университети археология кафедраси мудири лавозимида фаолият юритган. 1944 йилда Ўзбекистон ва 1950 йилда Туркменистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 1951 йилда Туркменистон ФА академиги. Дастлабки

Тарих ва Жамият илмий журнали

археологик комплекс экспедициялар 1936-1938 йилларда Термиз археологик комплекс экспедициясига раҳбарлик қилади, шунингдек, Жанубий Туркменистон археологик комплекс экспедицияси асосчиси ва раҳбари саналади. XIX аср охиридан Самарқандда кейинчалик Тошкентда яшаган [4].

М.Е.Массоннинг археологик ишларида ўрганилган айрим маълумотларга тўхталиб ўтсак.

Афросиёб ва унинг топилмаларига қизиқиш 1868 йилда Чор Россияси томонидан Самарқанд босиб олингандан кейин бошланди. 1912 йилда Ўрта Осиёда археологик илмий тадқиқот ишларини Афросиёбни ўрганишдан бошлайди, кейинги йилларда Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизистон, Жанубий Қозоғистонда кўплаб археологик қидирув ва қазилма ишларини олиб боради. Массон раҳбарлик қилган Жанубий Туркменистон археологик комплекс экспедицияси фаолияти билан Нисо ва кўҳна Марв шаҳар харобаларидан топилган осори - атиқалар оламшумул аҳамият касб этди [4].

Афросиёбда 1919 йилда М. Е. Массон, В. Л. Вяткин тадқиқот бошлаган жойларда қазилма ишларини давом эттириб, сомонийлар саройи (IX-аср) харобаларини очди [2].

Ўзбек халқининг қадимий тарихи ва маданиятидан гувоҳлик берувчи кўҳна шаҳар харобаларидан бири Термиз шаҳридан 18 км шарқда, Амударё қирғоғида жойлашган Айритом ҳисобланади. 1932-1933 йилларда М. Е. Массон томонидан Айритомда қазилма ишлари олиб борилади. Дастлаб Айритом яқинида Амударё тубидан одам ҳайкалчалари ишланган фриз (пирамон) парчалари топилган. Бу топилма фанга “Айритом фризи” номи билан маълум. Мазкур топилмани биринчи бўлиб М.Е.Массон ўрганди ва фанга киритди. Фризда уч созанда аёл тасвирланган [3]. 1933 йилда М.Е.Массон томонидан олиб борилган археологик қазилмалар давомида яна 7 та фриз бўлаклари ҳамда будда ибодатхонаси харобасини топган. Фризлар I-II асрларга оид бўлиб, уларда кўшнай, чилтор, уд, ноғора чалаётган созандалар ва гулчамбарлар, мева солинган идишлар кўтариб олган йигит-қизлар ифодаланган. Бундан ташқари Айритомдан милоддан аввалги II аср охири ва милодий IV асрларга оид иккита қабр топилиб, уларнинг биридан қурол-яроғлари билан бирга дафн қилинган жангчининг, иккинчисидан идиш-товуқлар ҳамда зеб-зийнатлари билан кўмилган аёлнинг жасад қолдиғи чиққан [2]. Ушбу топилмаларни М.Е.Массон ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилиб, уларда буддавийлик дини билан боғлиқ кўриниш тасвирланганлиги, унда Эллин ва ҳинд-гандхар маданиятлари анъаналари ўз ифодасини топганлигини қайд қилди. Эътиборли томони шундаки, мазкур топилма асосида М.Е.Массон томонидан Кушон тарихи ва маданиятига боғлиқ билдирилган фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий аҳамиятини йўқормаган [3].

Тарих ва Жамият илмий журнали

Бу топилмалар М.Е.Массоннинг Кушон тарихи ва маданиятига бўлган қизиқишини кучайтирди. Бу қизиқиш пировардида М.Е.Массон томонидан Кўҳна Термиз тарихини ўрганиш учун махсус экспедиция уюштирилишига сабаб бўлди.

1936-1938 йилларда Термиз Археологик Комплекс Экспедицияси - Термиз шаҳар ва атрофининг тарихий даврларини белгилаш ҳамда археологик материаллар тўплаш мақсадида Ўрта Осиёда биринчи марта ташкил этилган илмий экспедиция ҳисобланади. Илмий тадқиқот ишларига М.Е. Массон раҳбарлик қилади [4]. Ушбу экспедиция Термизнинг қадимги тарихига, шу жумладан Кушон даври тарихини ўрганишга ҳам катта эътибор қаратди. Айритом моддий-маданий ёдгорликлари ўзбек халқининг кушонлар давридаги тарихини, маданий меросини, урф-одатларини ва бошқа соҳаларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот ишлари натижасида Термиз шаҳрининг тарихий топографияси тузилди. Чингизтепа ва Қоратепа қадимги будда ибодатхонаси очилди; Антик давр фризлари топилди; Айритом харобасида археологик тадқиқотлар олиб борилди; Термизшоҳлар саройи харобаларини ўрганиш ишлари кенг йўлга қўйилди. Термиз ва унинг атрофларининг суғориш тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрта аср меъморий ёдгорликлари ҳам ўрганилди. Умуман экспедициянинг фаолияти Термиз ва унинг атрофларини ўрганиш билан чекланибгина қолмай, балки Ўрта Осиё тарихини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда даврлаштиришда илмий аҳамиятга эга. Шундай қилиб, беш йил ичида Ватан кушоншунослиги проф.М.Е.Массоннинг саъий ҳаракатлари билан маълум ютуқларни қўлга киритди ва келажакдаги кашфиётлар учун замин яратди. Бу тадқиқотлар ва кашфиётлар ватан кушоншунослиги ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди ва кўплаб янги тадқиқотларга туртки бўлди.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғи ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Ахсикат - қадимги шаҳар харобаси ҳисобланади. Ахсикатни археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари XIX аср охирлари – XX аср бошларидан бошланган. М. Е. Массон томонидан 1939 йилда тадқиқот ишлари олиб борилди. Археологик тадқиқотлар натижасида Ахсикат арк, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлганлиги, шаҳарнинг уч қисми ҳам алоҳида деворлар билан ўралганлиги, аркда ҳоким саройи, зиндон, шаҳристонда ички бозор, жомъе масжиди, пишиқ ғиштдан ишланган ҳовуз ва ариқлар, рабодда ҳунармандлар маҳаллалари ва ташқи бозор мавжуд бўлганлиги аниқланган. Ахсикат Наманган ўлкашунослик музейи ходимлари томонидан ҳам ўрганилган (1957-1959). 1960 йил Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти уюштирган махсус экспедиция Ахсикат рабодидан XI

Тарих ва Жамият илмий журнали

асрга оид кўхна ҳаммом ўрнини очган. У ердан сопол идиш, қувур, чақа танга ва шиша буюмлар топилган. Бундан ташқари, Ахсикат харобаларидан ғарброкда ўрта асрларга оид яна бир шаҳар харобалари борлиги аниқланган [4].

М. Е. Массон томонидан 1929-1934 йилларда Ўрта аср Тункат шаҳар харобасида (мил. V-XII асрлар) археологик қазилма ишлари олиб борилди. Тункат шаҳар харобаси Оҳангарон дарёси ҳавзасида жойлашган, умумий майдони 50 гектар. Арк, шахристон ва рабоддан иборат бўлиб, атрофи мудофаа девори билан ўралган. Тункат ўрнидаги қишлоқ V аср бошларида чорвадор қабилаларнинг ўtroқлашиши туфайли вужудга келган. VI асрга келиб қишлоқ шаҳарга, VI аср охирида эса Илоқ пойтахтига айланган. Қорамозор тоғларида олтин ва қумуш конлари мавжудлиги Тункатнинг тез тараққий этишига имкон берган. Тункат аркида ҳоким саройи, масжид қурилган. Шахристон ва рабоддан кўплаб металл, шиша ва сопол буюмларнинг топилиши, Тункатда ҳунармандчилик ривож топганидан дарак беради. Тункатдан, шунингдек, зеб-зийнат буюмлари, қурол-яроғлар ва кўплаб тангалар топилган. Тункатнинг ўз зарбхонаси бўлган. Қорахонийлар билан кураш, қазилма бойликларининг тугаб қолиши ва Тункатнинг савдо йўлидан четга чиқиб қолиши натижасида XI асрнинг 2-ярмидан шаҳар таназзулга учраган. XII асрдан Тункат кимсасиз, ташландиқ ҳолга келиб қолган [1].

Қарши шаҳридан 10 км шимолда жойлашган Ерқўрғон - қадимги шаҳар харобаси (мил. авв. IX-VIII асрлар – милодий VI аср) ҳам маҳаллаий тадқиқотчилар томонидан ўрганилди. Тарихий манбаларда Бахл, Боло, Валаам, Нашеболо деб тилга олинган. Ерқўрғонда дастлаб Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги аъзолари иш олиб боришди. 1963-1964 йилларда М. Е. Массон текширишлар олиб борди. Ерқўрғон харобаси қалъа ва шахристондан иборат бўлиб, умумий майдони 150 гектар, буржлар билан мустаҳкамланган 2 қатор мудофаа девори билан ўралган. Қазилма вақтида сопол идиш (хум, хумча, косалар, това, қозон, тоғора, қадаҳ ва бошқа буюмлар), диний маросимларда ишлатиладиган асбоблар, маъбудаларнинг сопол ҳайкалчалари, Нахшаб тангаси (III-VI асрлар), сўғд ёзуви намуналари, муҳр нусхаси топилган [2].

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, М. Е. Массон томонидан Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларида тадқиқотлар ўтказилди. Натижада, Термиз шаҳри, Наманган вилояти, Қарши шаҳри атрофларида катта ҳажмда муваффақиятли тадқиқотлар ўтказилди. М. Е. Массон томонидан олиб боилган қидирув ва тадқиқот ишлари натижасида Афросиёбда сомонийлар саройи (IX-аср), [5] Айритомда фриз бўлаклари, будда ибодатхонаси

Тарих ва Жамият илмий журнали

харобалари, Тункат шаҳар харобалари топиб ўрганилди. Бундан ташқари Ўрта Осиё тарихи, айниқса, нумизматикаси ва Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарлари тарихий топографияси, кончилик тарихи, меъморлиги, эпиграфика бўйича илмий йўналишлар муаллифи саналади. Массон муҳаррирлиги остида 30 дан зиёд илмий тўпламлар ва монографиялар, шунингдек, Жанубий Туркменистон археологик комплекс экспедициясининг 18 жилдини нашрдан чиқарди.

Ўзбекистонда археология фанига катта эътибор берилиши натижасида бугунги кунда илмий тадқиқотларнинг натижаси сифатида тарихимизнинг бир неча юз минг йилликлардаги тарихий воқеликларга ойдинлик киритилмоқда, Ўзбекистон жаҳоннинг илк цивилизация марказларидан бири эканлиги ўз исботини топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Т.Ш.Ширинов, А.Э.Бердимуродов, М.Ҳ.Пардаев // Ўзбекистон археологияси. 2010 йил № 1. 4-10 бет
2. А.Яхшиев “Ўрта Осиё Кушоншунослигининг шаклланишида М.Е.Массоннинг ўрни” Ўрта Осиёнинг маданий мероси. Т.2002 й 295-296 бет
3. Холбоев З.Т “Ўзбекистоннинг археология ёдгорликлари” ўқув услубий қўлланма ЖДПИ 2014 й. 18, 26,32, бет
4. Д.Алимова, А.Асқаров, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004 йил. 1, 8, 10, жилд,
5. Т.Ш.Ширинов. Ўзбекистонда археология фанини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон-жаҳон цивилизацияси тизимида“Ўзбекистон моддий маданияти тарихи” 32-нашри “Фан” 2001.